O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 21 март, № 55 (3854) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг январида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг инаугурация маросими билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш учун Остона шаҳрига ташриф буюрган эди. Ўшанда Н.Назарбоев ушбу лавозимга қайта сайланганидан сўнг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлашни ният қилганини билдирганди. Бу унинг Ўзбекистонга, халқимизга ва давлатимиз раҳбарига юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

Мазкур ниятни Қозоғистонда мамлакатимиз билан муносабатларни янада ривожлантиришга улкан иштиёқ ва қизиқиш борлигининг, энг муҳими, икки қардош юртда ўзаро ҳамкорлик йўлидаги интилишлар муштарак эканлигининг яна бир амалий тасдиғи, дейиш мумкин.

Ўзбекистон — Қозоғистон:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўша хайрли ният бугун, Наврўз кунларида амалга ошаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, ўзбек ҳам, қозоқ ҳам Наврўзда эзгу тилаклар қиладиган, йил давомида қилинадиган ишлар режасини белгилаб олади.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президентини 20 март куни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ушбу мулоқот умумий қадриятимиз бўлмиш Наврўз байрами арафасида ўтаётганида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Қозоғистон биз учун шунчаки қўшни мамлакат эмас. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош бўлиб, савдо-сотиқ қилиб, қуда-анда бўлиб келган. Бу халқлар бир-бири билан бахтини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон алоқаларида яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, қолаверса, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Нурсултон Назарбоев байрам кунларида ўтадиган музокара албатта самарали бўлишига қатъий ишонч билдирди. Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилар экан, Қозоғистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантиришга интилишдан иборат эканлиги, айниқса, бунда минтақавий миқёсдаги, жумладан, Ўзбекистон билан алоқалар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Бундан уч йил бурун имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди.

Томонларнинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ё яқинлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

НИЯТИ ПОК, КЕЛАЖАГИ БУЮК ХАЛҚМИЗ

Ўзбекистонда Наврўз айёмини нишонлашнинг шундай ажойиб анъаналари вужудга келдики, табиатнинг уйғониш ва янгиланиш палласида кўнгли шодланмаган, руҳи қанотланмаган одам қолмайди. Бир неча кундан буён юртимиз шаҳар ва қишлоқларида, яйлов ва қирларида байрам тантаналари давом этмоқда. Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлари Ватан ишқи билан ёнган ҳар бир қалбга етиб борди.

Феруза ОРИПОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ходими:

— Янгиланиш, яшариш байрами Наврўз дилларга бир олам қувонч билан кириб келди. Президентимизнинг шу муносабат билан бутун халқимизга йўллаган табригини ҳар бир юртдошимиз катта мамнуният билан қабул қилди, десам адашмайман. Айниқса, ўз бахтини фарзандларининг камолида, юртнинг тинчлиги-тотувлигида деб билган аёллар. Улар кўнгилларидаги энг эзгу ниятларини байрам дастурхони атрофида бирлаштирадилар. Меҳр-оқибат каби самимий туйғулар билан дастурхонга тортилган сумалаклар аразда юрган қўни-қўшнини, дўсту биродарни яраштиради. Наврўз ана шундай боқий байрам!

Тўйчи РЎЗИЕВ, Германиянинг ДААД гранти соҳиби:

— Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўзи олам тантаналари кеча бир пайтнинг ўзида дунёнинг элликдан ортиқ давлатларига узатилди. Германияда таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар қаторида байрам тантаналарини тўғридан-тўғри кузатиб бордик. Ватан, она-юрт соғинчи бироз босилгандек бўлди. Бу соғинч нималигини ватандан минг-минглаб чақирим олис юртларда юрганлар жуда яхши тушунадилар...

Дилдора АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— Бу йилги баҳор ватанимиз мустақиллигининг ўн бешинчи баҳоридир. Бу фасл ҳар йили юртимизга улкан ўзгаришлар, янгиланиш, табиат гўзаллигини олиб келади. Бу йилги баҳор Ўзбекистонга навқирон ёш олиб келди. Наврўз байрами тантаналаридаги шоду хуррамликни кўрар эканман, озод халққа ҳамиша шундай шодиёналар муносиблигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистон пойтахтида бошланган бу катта қувонч бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилиб кетди. Наврўз сайлларини менинг олис қишлоғимда ҳам давом этаяпти. Шундай шукуҳли кунларда кўнглимдан ўтаётган ҳисларни ифода этиш қийин...

Ёқубжон АҲМЕДОВ, Косонсой туманидаги "Файз барака Мухтор" фермер хўжалиги раҳбари:

— Деҳқончилик кишидан йил-ўн икки ой меҳнат талаб қиладиган соҳа. Шу боис ҳам ўрнимиз доим далада. Айниқса, кўкламги экиш мавсуми биз учун ҳақиқий масъулиятли палла ҳисобланади. Наврўзни байрам сифатида нишонлашимиз эса ана шу қизғин иш жараёни бошланиши олдидан бизга ўзгача кайфият ҳамда куч бағишлайди. Куни кеча хўжалигимиз аъзолари билан ерга чиқиб қадаётгандик. Кичкина ўғлим Азимжон олдимга чопиб келди-да: "Дада! Телевизорда байрамни кўрсатишяпти", деб қолди. Ҳаммамиз шийпонга шошдик. У ерда барча шароит бор. Президентимиз чиқиб, ҳаммани байрам билан табрикладилар. Ҳар бир гапларини диққат билан эшитдик. Ишимизга бўлган меҳримизни янада орттирди. Кўнгилга туккан ниятимиз, орзу-умидларимиз кўп. Илоҳим, йилимиз баракали ва файзли келиб, истакларимиз рўёбга чиқсин.

Комил АҲМЕДОВ, лейтенант:

— Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида юрт тинчлиги, халқнинг тотувлиги тўғрисида алоҳида тўхталадилар. Бу бежиз эмас. Чунки инсон учун тинчликдан азизроқ нарса йўқ. Наврўз байрами арафасида Президентимизнинг элимизни файзу барака, хосият тарк этмаслиги тўғрисидаги ҳамда шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз, юртимиз тинчлиги учун курашган отабоболаримиз ҳақидаги самимий сўзлари бизни тўлқинлантириб юборди. Байрамни халқимиз кўтаринки кайфиятда ўтказишлари учун мана, биз хизматдамиз. Ва бундан мен жуда фахрланаман.

Муроджон ҲАСАНОВ: (тадбиркор)

— Ўтган куни қуни-қўшнилар билан бемор Зоирхўжа отадан ҳол-аҳвол сўраб, уларникига чиқдик. Бир пиёла чой ичиб тургандик, телевизорда Наврўз тантаналари бошланиб қолди. Юртбошимиз халқимизга байрам табрикларини изҳор қилар эканлар, Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятларининг узвий бир қисми бўлмиш ёрдам ва кўмакка муҳтож одамларга, бева-бечора ва етим-есирларга, беморларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни хотирлаш, табаррук кексаларимизни зиёрат қилиб, дуосини олиш сингари олижаноб туйғу ва интилишлар янада жонланади, деб айтганларида қўшнилар бир-биримизга кўз уриштириб олдик. Шунда Зоирхўжа ота: — Ҳақ гап. Президентимиз таъкидлаганларидек, ўтганларини хотирлаган, кексаларини эъзозлаган юртнинг келажаги обод, мамлакати қудратли бўлади, — дедилар хурсанд оҳангда.

Жўра ШУКУРОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:

— Гўзал ва муҳташам Миллий боғимиздаги Наврўз тантаналарини телевизор орқали томоша қилар эканман, вужудимда ширин бир туйғу уйғонганини ҳис этдим. Сабаби, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг самимий табрикларидан ғоят қувонган бўлсам, иккинчидан, тантананинг чинакам халқ сайлига айланганига гувоҳ бўлдим. Эътибор берган бўлсангиз, тантанада самимий, расмиятчиликдан холи манзара акс этди. Ижронинг ранг-баранглиги, қардош халқлар куй-қўшиқ, рақслари, миллий ўйинларга томошабинлар ихтиёрий жўр бўлдилар. Зеро, осмони мусаффо, қалби яратувчанлик билан банд халқлардагина шундай бўлади. Бундан-да, муҳими, тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади.

Мансур СИДДИҚОВ, олий тоифали шифокор (Қўшработ тумани):

— Наврўзни болалигимдан яхши кўраман. Чунки ўсмирлик пайтларимизда отаонамиз биз, фарзандларига ҳар доим ушбу байрамнинг хислатлари ҳақида афсона, ривоят, эртаклар айтиб беришарди. Уларни эшитиб, кўнглимизда эзгу ғоялар жўш урар, қанийди, шундай байрамлар кенг тарзда нишонланса, деб ҳавас қилардик.

Телевизор орқали давлатимиз раҳбарининг байрам табрикларини эшитиб, чиндаман Наврўзнинг эзгулик элчиси, яхшиликлар даракчиси эканлигига яна бир карра амин бўлдим.

Юртдошларимиз билан "Халқ сўзи" мухбирлари Зиёда АШУРОВА, Юнус БЎРОНОВ, Шавкат ОРТИҚОВ ва Сандолим ҲАЙДАРОВлар суҳбатлашди.

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирок этдилар.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қозоғистон савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик ва қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ҳамкорлик кўлами кенг, икки мамлакат иқтисодиёти бир-бири билан уйғунликда ривожланади, бир-бирини тўлдиради.

— Аммо, ишга солинмаётган имкониятлар анчагина, — дея таъкидлади Ислом Каримов. — Биргина мисол, Ўзбекистондан Қозоғистонга катта миқдорда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари экспорт қилиш мумкин. У ёқда талаб катта. Лекин экспортнинг ҳозирги ҳажми қониқарли даражада эмас.

Н.Назарбоевнинг таъкидлашича, бугунги кунда Қозоғистонда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 86 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Машинасозлик, цемент ишлаб чиқариш, тўқимачилик, нефть-газ каби қатор соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш мумкин. Ўзбекистоннинг саноат, илмий потенциали юқори эканини, шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш минтақадаги бошқа мамлакатлар қатори Қозоғистон учун ҳам фойдали эканини таъкидлади.

Президентлар ушбу форум иккала мамлакат ишбилармонлари учун, демакки, халқимиз учун фойдали бўлишини қайд этдилар.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида енгил саноат, машинасозлик, транспорт коммуникацияси, нефть-газ каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини фаоллаштириш, жумладан, қўшма бизнес-семинарлар, конференциялар ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Бизнес-форум томонлар савдо-иқтисодий муносабатларга доир кўплаб соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтаришдан бирдай манфаатдор эканини яна бир бор исботлади.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тўқсондан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилда 425,9 миллион, 2005 йилда эса 516,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори илк бор ярим миллиарддан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Жорий йилнинг январига доир кўрсаткич 40,4 миллион долларни ташкил этгани ҳам бу борада ўсиш давом этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, доридармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Аммо Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятлари билан чамалаганда бу кўрсаткичлар қониқарли эмас. Масалан, Нурсултон Назарбоевнинг ташрифи арафасида Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистонда йилига 5 миллион тонна ана шундай маҳсулот етиштирилади. Мамлакатимиз эҳтиёжини қондириш учун бунинг ярми кифоя. Демак, 2,5 миллион тонна маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда мамлакатимиздан экспорт қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бор-йўғи 4 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. Бу миқдорни бир неча карра ошириш мумкин ва зарур. Чунки Қозоғистонда мазкур маҳсулотларга талаб катта.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть-газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш мумкин. Масалан, Қозоғистон жанубий вилоятлари учун йилига Ўзбекистондан 1,5 миллиард куб метр газ олади. Сув-энергетика соҳаси ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси ҳам икки томон учун фойдали. Музокарада Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам барқарор эҳтиёж бўладиган товарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва бевосита савдо-сотиқни кенгайтиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, банклараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш таклифини илгари сурди.

Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг борди-келдисини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Унда, жумладан, икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган.

Мамлакатларимиз ўртасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳамда фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик, халқаро автомобиль қатнови, чегараолди ҳудудларда фуқаролик мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 30.0-1000.0 МГц радиочастота полосасидаги радиочастота ўзлаштирувини мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, эркин савдо тўғрисида 1997 йил 2 июнда имзоланган битимга эркин савдо тартибидан истисноларни тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш бўйича ҳимоявий чора-тадбирлар кўришда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, бугун эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, ШҲТ, МДҲ каби, халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш, яқин даврда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасида кўп томонлама ҳужжатни имзолаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли уйдирмалар пайдо бўлаётганига тўхталиб, ҳар бир мамлакат ўз мустақил сиёсатига эга бўлиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг баъзи қарашлари бошқа бир давлатникидан фарқланиши мумкинлигини табиий ҳол, деб атади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир айрим гаплар уйдирмадан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистондан ишбилармонларнинг катта делегацияси ташриф буюргани ва Тошкентда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-форуми ташкил этилаётганини қайд этди. Қандай имкониятлар ишга солинмаётгани, қандай қилиб улардан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш мумкинлигини муҳокама этиш учун бу жуда қулай фурсат ва яхши имкониятдир, деди Ислом Каримов.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Илк сафаримни серқуёш Тошкентга давлат ташрифи билан бошлаганим тасодиф эмас. Чунки биз нафақат қўшнилар, балки қон-қардошлармиз. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганини тўла қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Ўйлайманки, бир маҳаллар ядровий тадқиқотлар ўтказилган жойда шу йилнинг ўзида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича якуний ҳужжат имзолаймиз. Ташқи сиёсат маҳкамалари бу ишга алоҳида эътибор қаратадилар, — деди Нурсултон Назарбоев.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев "Интерконтиненталь" меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Президентлар қатнашчиларга муваффақият тилаб, ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар. Бу ерда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясининг доимий кўргазмаси билан бирга, "Баҳор. Аёл. Гул" гуллар кўргазмаси ташкил этилган, шунингдек, Ўрол Тансиқбоев асарлари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекциясидан расмлар намойиш этилмоқда. Нурсултон Назарбоев галерея юксак савияда ташкил этилганини, Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги "Мустақиллик ва эзгулик монументи" пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда юртингиз йилдан-йил иқтисодий юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан, — деди олий мартабали меҳмон. — Пойтахтингиз ҳар сафар мени янги бунёдкорлик мўъжизалари билан кутиб олади. Тасвирий санъат галереяси, "Мустақиллик ва эзгулик монументи" ҳамда Сенат биноси бу сўзларимнинг яққол тасдиғидир. Сенат биноси ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва муҳташам иншоот эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўтган ҳафтага назар

Юртимиз бўйлаб Наврўз тантаналари аллақачон бошланиб кетди. Қарангки, март ойининг биринчи ярмида деярли ҳар кун ёғаётган ёмғирлар тиниб, ҳавонинг ҳам чеҳраси очилди. Гўзал диёримиз табиатининг шу улуғ кунларда бутун чиройини намоён қилиши байрамсевар халқимиз учун ўзига хос туҳфа бўлди, гўё.

БАРАКА – ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДА

19 март куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида депутатлар, сенаторлар, фан, таълим, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш каби турли соҳаларда меҳнат қилаётган илғорлар иштирокида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди. Дунёнинг 50 та давлатига тўғридан-тўғри эфирга узатилган бу тантаналарда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва Ўзбекистон халқини байрам билан табриклади.

Шубҳасиз, бу якунланган ҳафтанинг энг муҳим воқеасидир. Бундай улуғ айёмлар арафасида меҳмон кутиш халқимизга хос гўзал анъаналардан биридир. Шу маънода, Президентимиз таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг давлат ташрифи билан юртимизга келиши ҳам катта аҳамият касб этади. Кеча бўлиб ўтган икки давлат раҳбарларининг музокаралари давомида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга даҳлдор масалалар кўтарилди ва атрофлича муҳокама қилинди. Музокаралар якунлари бўйича икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ҳафтанинг яна бир эсда қоларли воқеаси мамлакатимиз иқтисодиётига, аниқроғи, ишлаб чиқариш соҳасига алоқадор. 14-15 март кунлари Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно Битими ҳамда Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Женева Шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги қонунлар матбуотда эълон қилинди. Бу ҳужжатларга қўшилиш ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини жаҳон талабларига олиб чиқишда навбатдаги қадам бўлди.

Наврўз тантаналари бутун Шарқ дунёсини кезиб юрган бир пайтда Ғарбда, хусусан, Европа ва АҚШда барқарорликка бироз путур етди. Ўтган ҳафта мобайнида Франциянинг кўплаб шаҳарларида давом этган талабаларнинг норозиликлари якшанба куни янада кескинлашди. Кўпминг кишилик намойиш оммавий тартибсизликка айланди ва якшанба куни Париж марказида 500 нафардан зиёд намойишчилар билан полициячилар ўртасида кескин тўқнашувлар юз берди. Полициячилар шу вақтга қадар биринчи марта уларга қарата босим остида сув сепишга мажбур бўлди.

Намойишлар Америка Қўшма Штатларида ҳам бўлиб ўтди. Ирокда ҳарбий ҳаракатлар бошланганига 3 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган намойишлар дастлаб Калифорнияда бошланди. Минглаб аҳоли иштирок этган бу намойишга Қўшма Штатларнинг машҳур киноюлдузлари раҳбарлик қилди. Уларнинг кийимларида «Ҳалок бўлган аскарлар 2300 нафар. Яна қанча керак?», деган ёзув бор эди. Ушбу ҳаракат етакчиси Марсиал Гуэрра «Биз бу бемаъни урушга чек қўйишимиз ва пулни муҳтож бўлганлар, масалан, «Катрина» бўронидан зарар кўрганларга сарфлашимиз керак», деди. Намойишлар Сан-Франциско ва Нью-Йорк шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди, деб хабар беради «ИТАР-ТАСС» агентлиги. Сўнгги ҳафта Newsweek ҳафтаномаси ўтказган навбатдаги сўровда президент Буш фаолияти қониқарли баҳоланмади. Унда иштирок этган мингдан зиёд респондентларнинг 36 фоизигина Бушнинг президентлик фаолиятини маъқуллаганини билдиришган.

Худди шундай кайфият Буюк Британияда ҳам кучайиб бормоқда. 2003 йил 20 мартда Ироққа дастлабки ҳаво зарбалари берилганидан 3 йил ўтгач, Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро бу ҳақда фикр билдириб, «Уруш тўғри бўлганди, аммо кейин биз хатоларга йўл қўйдик», дея тан олди.

Ўтган ҳафта дунё саҳнасида рўй берган муҳим воқеалар қаторида собиқ Югославия президенти, Гаага халқаро трибуналидаги асосий айбланувчи Слободан Милошевичнинг ўлими (тиббий хулосаларга кўра, у 11 март куни юрак хуружидан вафот этган), АҚШ тарихида биринчи марта дефолт, яъни бюджет қарзларининг имконият даражасидан ортиб кетиши (Қўшма Штатларнинг бюджет қарзлари салкам 9 триллион долларга етди), Европа Иттифоқи томонидан иттифоққа аъзо бўладиган давлатлар сонини аниқ белгилашни кўзда тутувчи лойиҳанинг ишлаб чиқилиши (мутахассисларнинг фикрича, бу ҳужжат Украина, Грузия ва Молдованинг Иттифоққа аъзо бўлиш умидларини чиппакка чиқариши мумкин), Беларусда Александр Лукашенконинг президентлик лавозимига қайта сайланиши (сайловда аҳолининг 92 фоизи қатнашган ва амалдаги президентга 82,6 фоиз одам овоз берган), Москвада катта саккизликка аъзо мамлакатлар энергетика вазирларининг бугунги дунё иқтисодиёти учун ўта муҳим учрашуви бўлиб ўтгани каби воқеаларни келтириб ўтиш мумкин.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, Марказий Осиё давлатларида, хусусан, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу диёрларга Наврўз байрами кириб келди. Ва барчамизнинг кўнглимизда доимий эзгу тилак, улуғ ният қайта-қайта янграмоқда. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан йўллаган табригида ифодаланганидек, «**Бетакрор Наврўз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни файзу барака, хосият тарк этмасин, сувимиз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларининг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради...**»

Б. ҒАНИЕВ.

Ниятлар ижобат бўлади

Қадимий, миллий байрамларимизнинг маликаси — Наврўз Жиззах вилоятида ҳар қачонгидай кўтаринки руҳда ўтди.

Аждодларимиз «Улуғ ой» ёки «Умид ойи» деб аташган йил бошини форишликлар Қизил қирда нишонлашди. Бу улуғ айёмда Оқбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Самара она Умрзоқованинг табаррук 110 ёшлик юбилейи, Зарифжон ва Мунирахонларнинг никоҳ ҳамда Муҳаммаджон ва Оринбекларнинг суннат тўйлари ўтказилгани байрамга ўзига хос оммавийлик ҳадя этди.

Қизилқирга тўпланган минглаб мезбону меҳмонлар қўшни Навоий, Қашқадарё вилоятлари, Жиззах, Зомин, Ғаллаорол каби туманлар полвонлари иштирокидаги кўпкари беллашувларини томоша қилишди. Республикада хизмат курсатган артист Ҳожибой Тожибоев чиқишларини қизғин олқишлашди.

Наврўз кунларидаги ниятлар ижобат бўлади, дейишади. Мавсум арафасида турган қоракўлчилару ғаллакорларга, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига шундай эзгу ниятлар кўп бўлди.

Вилоятнинг барча шаҳар, қишлоқларида Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Тошкент вилоятидаги "Янгийўл" санаторийсида Янгийўл туманидаги "Ниёзбош" ширкат хўжалигидан дам олаётган бир неча киши билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича, шу ерда ҳар йили ўнлаб одамлар ўз саломатликларини тиклашади.

ҒАМХЎРЛИК ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ

— Жорий йилнинг шу кунигача ушбу ширкат хўжалигидан етти нафар киши келиб, муолажа олди, — дейди санаторий раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Миродил Мираҳмедов. — Ўтган йили 49 та одам даволанганди. Энг муҳими, барча харажатларни жамоа тўлаб беряпти. Агар буни пулга чақадиган бўлсак, 13 миллион сўмга яқинни ташкил қилади. Тўғриси, сиҳатгоҳимизга бир жойдан бунча одамнинг келиши камдан-кам учрайди.

"Ниёзбош" ширкат хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда ўз ўрнига эга, барча соҳалар бўйича илғор, иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан ҳисобланади. Масалан, ўтган йилни олиб кўрайлик. Ҳамма тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 350 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишга муваффақ бўлинди.

— Халқимизда "Яхши дам — меҳнатга ҳамдам" деган ажойиб мақол бор, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуғани Юсупов. — Соғлом одамнинг иши ҳам унумли бўлади. Ҳар йили ўнлаб одамларимиз республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга бориб, ўз саломатликларини тиклашади. Савоб иш қилган, бировга ёрдам берган кишининг иши юришади. Бировнинг кўнглига озгина бўлсада, йўл топсак, ўзимизни енгил ҳис қиламиз.

Хўжалик раҳбари билан шу мавзуда узоқ суҳбатлашдик. Ёши қарийб олтмишни қоралаган, ҳаракатлари қатъий бу киши ўта камтар. Савоб ишлар тўғрисида гапиришни миннат деб ҳисоблайди. Назаримизда, Абдуғани ака "Бир қўлинг берганни иккинчиси билмасин" деган ҳадисга амал қилади.

Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжаликда фойда ҳисобидан ижтимоий соҳага ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, ҳудуддаги олтита умумтаълим мактабларини таъмирлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратишни ширкат ўз зиммасига олган. Биргина ўтган йили шу мақсадда 16 миллион сўм сарфланди. Шу билан бирга, таълим муассасаларига бир нечта компьютер ва телевизорлар олиб берилди. Учта болалар боғчасининг барча харажатлари ҳам хўжалик томонидан қопланади.

Ўтган Сиҳат-саломатлик йилида тиббиёт соҳасига ҳам катта миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Хўжаликдаги касалхонага "Тез ёрдам" хизмати учун битта "Дамас" автомашинаси харид қилинди. Янгийўл шаҳар касалхонасига эса 400 минг сўм пул ўтказилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, "Нуроний" жамғармасининг туман бўлимига 300 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Ногиронлар куни муносабати билан беморларга 1,5 миллион сўмга аравача ва турли хил зарур жиҳозлар олиб берилди.

Хўжалик ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга, биринчи навбатда ёрдам кўрсатиляпти. Ўтган йили шу мақсадда 5,2 миллион сўм ажратилди.

Айниқса, жамоа аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Хусусан, хўжаликда меҳнат қилаётган одамларнинг институтларда таҳсил олаётган 17 фарзандига 8,5 миллион сўм ўтказиб берилди. Байрамларда ҳам одамлар меҳнатига яраша рағбатлантириляпти. Масалан, ўтган йил якунларига кўра ўтказилган ҳосил байрамида илғорларга 190 та гилам, 150 та телевизор мукофотга берилди.

Биз ширкат хўжалигидаги бундай хайрли ва савобли ишларни кўриб, қувондик. Дарҳақиқат, қаерда одамларга ғамхўрлик қилинса, қалбига йўл топилса, ўша ерда ютуқлар ва муваффақиятлар ўз-ўзидан келаверишига ишонч ҳосил қилдик. Халқимизнинг "Дуо билан эл қўқарар" деган мақолининг исботини кўргандай бўлдик.

Хўжалик раҳбарлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бундай ишлар кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган. Биз уларнинг бу борадаги ниятларига барқарорлик тиладик.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Эзгулик сарчашмаси

Ҳар бир халқнинг ўзига хос расм-русмлари, урф-одатлари, маросимлари бор. Айнан шу қадриятлар миллатни дунёга танитади. Халқимизнинг энг эзгу удумларидан бири бу — ҳашар ва ўтган аждодларнинг хотирасини азиз тутишдир.

Бизгача асрлар синовидан ўтиб келган ҳадисларда: "Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар", "Қайси бир мўмин экин экса ёки мевали дарахт ўтқазса-ю улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар еса, бу унинг учун садақа ҳукмида бўлади", деб битилган.

Форобий кўчасидаги аждодларимизнинг мангу оромгоҳи бўлган қабристонда ҳар йили Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши ташаббуси билан ҳашар уюштириш анъанага айланган. Бу сафарги ҳашарда Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи нуроний отахонлар ва ёшлар фаол иштирок этишди. Тунги ёмғирдан сўнг мусаффо бўлган табиат шу куни ҳимматини аямади.

Қадрият

Ҳашар муносабати билан қабристон ҳудуди чиннидек қилиб тозаланди. Ўша куни шоир Назармат, журналист Расул Раҳмон, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси Маҳамаджон Зуфаров, Рўзимат Хоразмий, Анвар Ёқубхўжаев, Афзал Расулматов, Абдурашид Нурмуҳамедов каби юзга яқин нуронийлар худди ёшлардек ғайрат билан ишга киришдилар. Ҳашар давомида 150 тупдан зиёд атиргул кўчатлари, 100 тупга яқин арча, каштан каби манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Фахрийлар ўртасида бундай ҳашарлар доимо уюштириб турилади, — дейди "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев. — Бундай савобли тадбирлар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ўтказиб келинади. Аҳамиятлиси, бу юмушларда фахрийлар билан бир қаторда ёшлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ушбу ишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг бизга кўмакчи бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳашар сўнгида ўтганлар хотираси ёд этилиб, қуръон тиловат қилинди.

Бекмирза ҳожи ХОЛМИРЗАЕВ,
Убайдулла ҳожи ИСОМХОНОВ.

«Ёшлик»да айём сайли

Наврўз шодиёналари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам қизғин нишонланмоқда. «Фидокорлар» Миллий демократик партияси ҳамда Талабалар шаҳарчаси ҳокимияти ташаббуси билан уюштирилган катта байрам дастурида Ўзбекистон миллий университети талабаларининг байрамона куй-қўшиқлари, удум-анъаналаримиз акс этган саҳна кўринишлари, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари даврага файз киритди. Дастурхонга турли нозу неъматлар қаторида сумалак, кўк сомса каби баҳорий тансиқ таомлар тортилгани айни муддао бўлди.

Айниқса, факультетлараро бўлиб ўтган «Балли, қизлар» беллашуви меҳмонларга хуш кайфият бағишлади. Тантаналар давом этмоқда.

Гулилайло ТУҒАЛОВА,
ЎзМУ талабаси.

Наврўз ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Энг қадимий

Наврўз — бутун Шарқ дунёсидаги қадимий, улуғ айёмдир. Уни тарихий, миллий байрам сифатида кенг нишонлайдиган Шарқ халқлари бу санага «Ийди Наврўз», «Наврўзи Жамшид», «Наврўзи султоний», «Наврўзи жалолий», «Баҳор айёми» сингари турлича номлар беришган. Уч минг йиллик тарихга эга бўлган, Осиё халқларининг энг оммавий бу байрамни ёшу кекса, деҳқонлару чорвадорлар бирга нишонлайдилар. Халқларимиз Наврўз айёмини кун санаб кутишган, унга атаб турли ширинликлар, махсус таомлар пиширганлар. Худди шу айёмда ўзаро нифоқлашаётган қабилалар яраш битимлари тузганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда тилга олинади. Умуман, мазкур айём ҳеч қандай жўғрофий, сиёсий чегара билмайди.

Аслида «Наврўз» сўзи форсий «Нокрўч» сўзидан келиб чиққан («Нок» — янги, «рўч» — кун). Бу кунда Қуёш Кўй юлдузлар туркумига ўтади ва кун тун тенглашади. Наврўз ҳақидаги илк маълумотлар қадимий «Авесто»да тилга олинган.

«Жуда қадимдан бери ва ҳозир ҳам Икки дарё оралиғида яшовчилар бу кун энг улуғ байрамини нишонлайдилар. Савдогарлар ўз дўконларини ёпади, ҳунармандлар ишдан тўхтайди. Барча ўйнаб-кулади, бирбирини меҳмон қилишади», деб ёзган эди машҳур грек тарихчиси Страбон Наврўз ҳақида. Амир Жалолиддин Маликшоҳ Салжуқий буйруғи билан буюк мутафаккир Умар Ҳайём янги тақвим тузиб чиққан 1074 йилдан бошлаб қадрли байрамимиз 21 мартдан нишонланадиган бўлган.

Энг оммавий

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Наврўз нишонланадиган жўғрофий ҳудуд жуда катта. Уни Марказий, Шимолий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида яшовчи бир неча ўн миллион аҳоли байрам қилади. Бу Шарқ мамлакатлари тарихининг ўзига хос ривожланиши ҳамда Наврўзнинг эзгулик байрами сифатида жуда тез оммалашиб кетганлиги билан изоҳланади. Қайд этиш лозимки, кўплаб умумий жиҳатларга қарамай, Наврўз турли жойларда турлича ўзига хосликларга эга.

Афғонистонда унга «Ийди Гули сурх» — «Қизил гул байрами» деб ном берилган ва 40 кун давомида кенг байрам қилинган. Бу бошланган. Кўп жойларда бу куни маҳбусларни зиндондан озод этиш, оловлар ёқиш, шодлик белгиси сифатида бирбирига сув сепиш каби анъаналар ҳам оммалашган.

Энг халқчил

Наврўз одатларига яна шу сана арафасида уйларни безаш, таъмирлаш, яқин қариндошлар, кексалар ҳолидан хабар олиш, оммавий сайиллар мисол бўла олади. Шунингдек, дастурхон ҳам ўзига хос безатилган — унда шакар, шам, шарбатлар, ширинликлар, сут, кўкатлар, олма ва бошқа мевалар ва сумалак бўлиши шарт қилиб қўйилган. Абу Райҳон Беруний асарларида айтилишича, сумалак пиширишга тайёргарлик Наврўздан камида 25 кун олдин сита табиатнинг уйғониши билан боғлаб, «Сайри гули лола», яъни «Лолалар оралаб сайр» деб аташади. 1966 йилдан бошлаб **Туркия**да ҳам Наврўзга буюк туркий қадрият сифатида қарала бошланди. Шу куни мамлакатнинг турли бурчакларида мушаклар отилиб, халқ ўйинлари бўлиб ўтади. **Курдистон** (Туркия)нинг 12 миллионлик халқи учун эса Наврўз ҳақиқий миллий байрам ҳисобланади. Дарвоқе, шу куни мамлакатда жуда катта миқдордаги совринга эга бўлган умумхалқ лотореяси ўйналади.

Озарбойжонда ҳам Наврўз Янги йил ва Рамазон ҳайити билан бирга ерларда байрам кунлари машҳур «Мулло Муҳаммаджон» қўшиғи куйланиши диққатга сазовордир. Толибонлар пайтида тақиқлаб қўйилган Наврўз байрами сўнгги йилларда яна қайта тикланганини ҳам алоҳида айтиш жоиз. Таниқли тожик олими Лутфулло Бузургзоданинг ёзишича, **Исфара**да эса Наврўзни бевосита табиатнинг уйғониши билан боғлаб, «Сайри гули лола», яъни «Лолалар оралаб сайр» деб аташади. 1966 йилдан бошлаб **Туркия**да ҳам Наврўзга буюк туркий қадрият сифатида қарала бошланди. Шу куни мамлакатнинг турли бурчакларида мушаклар отилиб, халқ ўйинлари бўлиб ўтади. **Курдистон** (Туркия)нинг 12 миллионлик халқи учун эса Наврўз ҳақиқий миллий байрам ҳисобланади. Дарвоқе, шу куни мамлакатда жуда катта миқдордаги совринга эга бўлган умумхалқ лотореяси ўйналади.

Озарбойжонда ҳам Наврўз Янги йил ва Рамазон ҳайити билан бирга кунлари машҳур «Мулло Муҳаммаджон» қўшиғи куйланиши диққатга сазовордир. Толибонлар пайтида тақиқлаб қўйилган Наврўз байрами сўнгги йилларда яна қайта тикланганини ҳам алоҳида айтиш жоиз. Таниқли тожик олими Лутфулло Бузургзоданинг ёзишича, **Исфара**да эса Наврўзни бевосита табиатнинг уйғониши билан боғлаб, «Сайри гули лола», яъни «Лолалар оралаб сайр» деб аташади. 1966 йилдан бошлаб **Туркия**да ҳам Наврўзга буюк туркий қадрият сифатида қарала бошланди. Шу куни мамлакатнинг турли бурчакларида мушаклар отилиб, халқ ўйинлари бўлиб ўтади. **Курдистон** (Туркия)нинг 12 миллионлик халқи учун эса Наврўз ҳақиқий миллий байрам ҳисобланади. Дарвоқе, шу куни мамлакатда жуда катта миқдордаги совринга эга бўлган умумхалқ лотореяси ўйналади.

Озарбойжонда ҳам Наврўз Янги йил ва Рамазон ҳайити билан бирга маган қизларнинг барча «қора» чақалари бахтсизлик белгиси сифатида кўчага улоқтирилади. Жанубий Озарбойжонда Наврўз олти кун нишонланади ва бу кунлари ҳатто дала ишлари ҳам тўхтатилади. Наврўз айёми шунингдек, Шарқий Туркистон, Бошқирдистон, Татаристон, Покистон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё давлатларининг барчасида ҳам кенг байрам қилинади.

Ватанимизда Наврўз мустақиллик қўлга киритилиб, илк йилларданоқ миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошланган пайтларда яна нишонлана бошланди. Мустақилликнинг дастлабки қадамларидаёқ, Президентимизнинг махсус Фармони билан Наврўз умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Наврўз биринчи бор оммавий нишонланганда янграган байрам садолари 90-йиллар бошидаги оғир пайтларда халқимизга ўзига хос руҳий мадад бўлди. Бу байрам тантаналари дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларига тўғридан-тўғри олиб кўрсатилгани ва халқимиз санъатини, қадриятларимизни оламга таратгани ҳамон ёдимизда. Ўзбекистонда ушбу байрамга азалдан янги йилнинг бошланиши сифатида қаралади ва бу Наврўзнинг кўплаб удумларида яққол сезилиб туради. **Вилоятларимиз**да, туман ва шаҳарларимизда, қишлоқларда бошланган халқ сайиллари бир ёқда кураш, улоқ, варрак учириш мусобақалари, бир ёқда сумалак пиширишлар, ўйинлар ва бошқа маросимлар билан қўшилишиб, ажиб бир миллий фестиваль кўринишини олади.

Ҳазрат Навоий бобомиз Наврўз тонгини Лайлатул қадр тунига тенглагани бежиз эмас. Бу кун қуёш она сайёрамизга бир хил нур сочади. Бу кун табиатда ҳам ҳақиқий уйғониш бошланади. Шарқ халқларининг муштараклиги тимсолига айланган Наврўз бир кунлик байрам эмас. У қалбларимизда узоқ яшайди.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАЁТБАХШ ҚЎШИҚ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъмин этишдек устувор мақсадлар миллий ғоямиз асосини ташкил этади. Айнан ана шу эзгу мақсадлар Наврўзимизда ҳам мужассам, дея бемалол айтиш мумкин. Байрамда урушган, аразлашганлар ярашиб олишган. Бу тинчликка, осойишталикка, тотувликка хизмат қиладиган қадрият эмасми?! Ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари, экин-тикин ишлари авж олган. Эртанги кун умидида ерга уруғ қадалган.

Наврўз ҳарбийча анъаналар билан уйғунлашаётгани кишини қувонтиради. Ҳарбий шаҳарчамизда ҳар йили сумалак тайёрланади. Сумалак баҳона аҳиллик, жипслик, тотувлик синовдан ўтади. Наврўз қалбларни-қалбларга боғлайди, дегани шуда.

Ҳарбий жамоалардаги тантаналар ҳам ўзига хос. Аскар уйидек қадрдон бўлиб қолган ҳарбий қисм атрофларини обод қилади, кўчат ўтқазади. Наврўзга бағишлаб ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тавсия қилган режага мувофиқ жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар, тадбирлар, "Очиқ эшиклар куни", маданий-маърифий кечалар, китоблар кўргазмаси, деворий газеталар тайёрланиши, посбонларнинг турли музейларга ташрифлари кўзда тутилган.

— Наврўзи олам арафасида, — дейди офицер Рустам Нодиров, — ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари, уларнинг оила аъзолари иштирокида ҳарбий шаҳарчалар, қисм атрофидаги маҳаллалар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, маданий-маиший иншоотларнинг ҳудудлари тозаланди, тартибга келтирилди. Асосийси, уч мингдан зиёд манзарали дарахтлар ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Ушбу кенг қамровли эзгу ишларда офицерлар — Ойбек Саидов, Олимжон Занжиров, Абдували Мусаев, Лутфулло Бузруковлар хизмат қилишаётган бўлинмалар шахсий таркиби фаол иштирок этишди.

— Биз ҳам Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрдик, — дейди офицер Алишер Расулмуҳаммедов. — Ҳарбий қисм ва муассасалар ҳудудига мингга яқин мевали ва манзарали дарахтлар, мингдан зиёд гул кўчатлари экилди. Наврўзда сумалак пиширишга режамизда бор. Унга кекса отахон, онахонларни таклиф этамиз.

"Шуҳрат" медали соҳиби, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Маъруфжон Ҳайдаровнинг таъкидлашича, Наврўз айёми кунларида турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш режалаштирилаётган экан.

Бугун Қуролли Кучларимизда муваффақиятли амалга оширилаётган ислоҳотлар боис Ватан ҳимоячилари ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқда. Уларнинг ҳаётига халқимиз урф-одатлари, анъаналари сингиб бормоқда. Ҳарбийлар фаолиятида ҳам баҳорнинг, Наврўзнинг ҳаётбахш қўшиғи янграмоқда. Бу уйғонишдан, яшаришдан, яшнашдан далолат. Наврўзнинг эзгулик уруғини экаётганидан, қалбларни қалбларга улаётганидан дарак.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
Алижон САФАРОВ.

Фалсафий кўргазма

Пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида таниқли муйқалам соҳиби Ғайрат Бойматовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда турли йўналишдаги 70 га яқин тасвирий санъат асарлари ўрин олган бўлиб, томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Муаллифнинг "Югуриб бораётган уч сиймо", "Сариқ рангли машина", "Олтин бузоқча", "Низо" сингари фалсафий асарлари эзгулик, улуғворлик каби хусусиятлар ҳақида фикр берса, "Тоғларда куз", "Қиш" каби асарларида табиатнинг гўзаллиги тараннум этилган.

Ўз мухбиримиз.

«Келиб қиш фаслин этти ёз...»

Табиатнинг тантилигини, саховатини кўринг. Вафодорлигига, фидойилигига тан беринг. Ер юзига яна Наврўз файзи, Наврўз тароватн, Наврўз баракаси кириб келди. Ер уйғонди. Демак, руҳимиз уйғонди. Борлиқ яшнаб очилди, ялпиздан хушбўй ҳид таралди. Кўнглимизни шодлик базмига мойил этиб, яхшилик, хурсандчилик чолғуларини чалиб юборди.

Биласизми, қишлоқларга баҳор жуда эрта келади. Ҳа, февралнинг охири, мартнинг бошларидаёқ бодом гуллайди, ариқ четларида, бедазорлару буғдойзорлар пушталарида митти ялпизлар, исмалоқлар бодрайди. Қизлар, аёллар уларни териб, кўк таомлар тайёрлашга киришадилар. Буғдой ундириб, сумалак пиширишни бошлаб юборадилар.

Биз ёқда бошланди
сумалак базми,
Наврўзи оламнинг
хуш табассуми.
Келсанг бу сайлга
тезроқ етиб кел,
Йўлни яқин қилиб,
қирдан ўтиб кел!

Халқимиз ижод қилган, дармон-дориларга бой, хаёт илдизи деб аталган бу хушбўй, суюкли таом навбат билан деярли барча хонадонларда қайнатилади. Масалан, Қува туманининг Салим қишлоғида шундай. Аслида сумалак баҳона дийдор ғанимат! Бугун Мақсудахон айтиб кетади, боринг, сумалак сайлига деб. Эртага Эътиборхон. Индинга Маҳбубахон, кейин эса Санталатхон, Муяссархон, Ҳурматой, Инобатхон... Эҳ-ҳе, санаб-саноғига етолмайман...

Катта қозонга ёғ қуйилиб, қизитилгач, чалпак қовуриб олинади-да, кейин юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик, дастурхонимизга барака ёр бўлсин, дея қозонга буғдой шарбати қуядилар. Чалпакхўрлик ва қозон кавлаш асносида ўйин-кулги, мушоира бошланиб кетади. Қишлоқнинг сўзамол муаллимаси Муяссар пошша Огаҳий ғазалидан ўқийди:

Қилиб ойини
меҳр оғоз Наврўз
Келиб қиш фаслин
этти ёз Наврўз.
Жаҳон сар то
қадам файзу сафода
Ёўлиб жаннатга
файз андоз Наврўз.
Ҳама эл айш
базмиға қилиб майл
Тараб қонунин этди
соз Наврўз.

Овозлари жарангли, илғор пиллакор Эътиборхон эса доира чертиб, йўқ-йўқ, нақ юракларни чертиб, шўхшан қўшиқ бошлайди:

Бир кечада
гуллайди ўрик,
Бир кундузда
тебранар ҳаво.
Юрагимдан чиқди югуриб
Тунни тонгга
улаган наво...

Мақсудахон китоб кўрган, китоб ўқийдиган тадбиркор аёл. Ўғли тегирмончи, келини чевар, қизлари дўхтир. У ширин орзулар, ниятлар билан сумалакни кавлаб-кавлаб, капгирни қизларга беради-да, даврага қўшилиб, ҳикоятлар айтади.

— Айтишларича, — дейди у, — Луқмони Ҳаким тоғтош оралаб юрса, ҳар бир гиёҳ тилга кириб, ўзининг қайси хасталикларга даво эканини айтар экан. Ҳа, табиат мўъжиза. Табиат бизнинг онамиз, ризқ-насибамиз. Бизнинг юртимизда 4,5 минг турдан ортиқ шифобахш гиёҳлар ўсаркан. Эшитяпсизми, тўрт ярим минг турдан ортиқ! Нега улардан фойдаланмаймиз?

Эшитинг аёллар, — дейди Мақсудахон сўзлашда давом этиб, — бир подшоҳ хасталаниб, Луқмони Ҳакимдан нажот сўраганида у шундай деган экан: ўт-ўландан либос кийиб, гиёҳ тамадди қилинг, касал бўлмайсиз! Ҳа, азизлар, бодом гулларини ҳидланг, асал ҳиди келади. Шу кунларда етти хил мевали дарахтнинг ниш урган куртаклари шохчасидан биттадан олиб, кичкина идишчада ярим пиёла сув билан икки дақиқа қайнатиб, ичинг. Баҳорни соғомон ўтказасиз. Куч-қувватга тўласиз. Ялпиз, жаф-жаф, беда, исмалоқ, отқулоқ... кўкатларидан камида етти марта таом тайёрлаб танаввул қилинг, бардам бўласиз...

Сумалак сайллари даладаги жўшқин меҳнатга уланиб кетади. Тракторлар кеча-кундуз ҳайқириб ер текислайди. Чиниққан, бардошли, андишали қишлоқ аёллари, қизлари, йигитлари аллақачон пахталик камзулни ташлаб, ғир-ғир шабдода кўйлаклари ҳилпираб, сув йўлларини созлайдилар. Ниҳол экадилар. Далага уруғ сочадилар... Маҳаллаларда уйлар, деворлар оқланади. Кўчалар тозаланади. Дарахтларнинг қаддибасти текисланади. Хуллас, эрта кундаёқ яратиш, яшнатиш, ободончилик ишлари давом этаверади.

Бобомиз Алишер Навоий «Тарихи мулки Ажам» асарида шоҳ Жамшид «хусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир бўлганлигини, жаҳон мулкини адл ва инсоф билан тузган»лигини муҳаббат билан тасвирлайди. Подшоҳ шаҳарни кенгайтириб, «Чихл Минор — Қирқ минора» иншоотини қуради. Ва жамики халқни, улуғ зотларни йиғиб, катта тантаналар ўтказади. Ўшанда қуёш барабарлик нуқтасига етган баҳорий кун экан. Ва ҳар ёнда байрам савту садолари янграган экан. Жамшид «Ул куннинг отини Наврўз қўйди», — дейди Навоий.

Бизнинг юртимизда ҳам шундай. Наврўз байрамини бутун Ўзбекистон бўйлаб янграган савту садолар, тўкинлик, саховат, гўзал ниятлар билан кутиб оламиз.

Эҳ, суюкли Наврўз, қадамларинг қутлуғ келсин, илоҳим! Далаларда ҳосил мўл, боғларда мевалар шиғил, муҳими, юртимиз тинч, дилимиз обод, кўнглимиз кенг бўлсин. Меҳр-оқибатимиз ҳеч қачон тугамасин. Куртаклар, ғунчалар, гуллар, ям-яшил кўкатлар беғуборлиги, поклиги, хушбўйлиги қалбимизга кўчсин. Осуда кунларни кўз қароғидек асраб, шукроналар айтиб, баракали меҳнатимиз, ижодимиз билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик.

Кириб келган янги кун, янги орзулар, қувончлар муборак бўлсин!

Санъат МАҲМУДОВА.

Мустақиллигимиз шарофати билан тафсир, ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, мантиқ, одоб-ахлоқ каби илмларга оид олтмишга яқин қимматли асарлар яратган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг илмий-маънавий мероси муайян даражада ўрганилмоқда. Илмий изланишлар натижасида алломанинг фиқҳ (ислом қонуншунослиги) илмига оид асарлари ҳам борлиги маълум бўлди.

Аз-Замахшарий асари Ирландияда

Унинг, айниқса, фиқҳ илмининг ҳар қандай давр, ҳар қандай жамият учун зарур ҳисобланган илм ал-хилоф (ихтилофлар ҳақидаги илм) деб аталадиган соҳасига алоҳида эътибор қаратганлиги диққатга лойиқдир. Чунончи, ислом дини таълимоти тараққиётининг барча босқичларида бўлгани каби аз-Замахшарий яшаган даврда (XI асрнинг охири - XII асрнинг биринчи ярми) ҳам ислом динида, хусусан, турли мазҳаблар орасидаги ақидавий масалаларда ихтилофлар авж олган. Азалдан сунний йўналишдаги ҳанафий мазҳабига амал қилиб келган юртимизнинг баъзи минтақаларида турли сабабларга кўра шофеъий мазҳаби ҳам қисман ёйилган.

Бинобарин, шариат аҳкомларига оид кўплаб масалаларни иккала мазҳаб вакиллари томонидан қандай талқин қилинишини Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларига таянган ҳолда тўғри шарҳлаш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Мана шу заруратни теран англаган аз-Замахшарий фиқҳий масалаларни талқин қилишда иккала мазҳаб орасидаги фарқларга бағишланган «Руўус алмасоил фи-л-фиқҳ» («Фиқҳ илмида масалаларнинг мағзи») номли муҳим асарини яратди. Муаллиф мавзунинг ғоятда муҳимлигидан келиб чиқиб, уни кенг халқ оммаси, айниқса, ёш толиби илмлар осонлик билан қабул қилиб, ёдида сақлаб қолиши, энг муҳими, улардан амалда фойдаланишини кўзда тутиб ушбу асарини содда ва оддий, равон тилда баён қилади. Шу жиҳатдан бу китоб айни шу йўналишда ёзилган асарлардан алоҳида ажралиб туради.

Аллома қаламига мансуб бу қимматли асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳридаги ноёб китобларни тўплаш билан шуғулланадиган таниқли коллекционер Честер Битти кутубхонасида 3600 рақами остида

Дунёнинг хазинаси

сақланади. Ҳозирги маълумотларга кўра, дунёнинг ҳеч бир қўлёзма фондида ушбу асарнинг бошқа нусхаси борлиги маълум эмас. Маккаи Мукаррамадаги Умм ал-Қура университети шариат факультети қошидаги илмий тадқиқотлар ва исломий меросни тиклаш маркази кутубхонасида 308 рақами остида сақланадиган микрофильм айнан шу қўлёзмадан олинган нусхадир. «Руўус ал-масоил»нинг мазкур қўлёзмаси араб тилида настаълиқ хатида битилган бўлиб, асрлар ўтиши унинг варақларида намлик ва рутубатнинг зоҳир бўлишига олиб келган. Қўлёзма 106 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифа 13 қатордан ташкил топган. Асарнинг охирида ёзилишича, бу нусха ҳижрий 576 (милодий 1182) йилда кўчирилган. Унинг эгаси сифатида Шибли ибн Абдураҳмон ибн Жандар ибн Айюб деган шахснинг исми қайд этилган. Бу нусха аз-Замахшарий вафотидан (1144) 38 йил ўтгач кўчирилган. Афсуски, хаттотнинг исми-шарифи кўрсатилмаган. Лекин қўлёзмани кўчириш жараёнида ҳар бир саҳифада анча-мунча грамматик ва имловий хатоларга йўл қўйилганлиги, айрим ўринларда эса сўз ва ибораларни тушириб қолдирилганлигини эътиборга олсак, номаълум хаттотнинг наҳву сарф илмларидан мукаммал билимга эга бўлмаганлиги аён бўлади. Асарнинг муқовасида китобга эгалик қилган мухлисларнинг ёзиб қолдирган баъзи мулоҳазалари ҳам сақланган.

1987 йилда Ливаннинг пойтахти Байрутдаги «Дор ал-башоир ал-исломиййа» нашриётида араб олими Абдуллоҳ Назир Аҳмаднинг аз-Замахшарий бобомиз фиқҳий меросини ўрганишга бағишланган «Руўус алмасоил» («Ал-Масоил ал-хилофийа байна-л-ҳанафийа ва-ш-шофиъийа») номли, умумий ҳажми 616 бетдан иборат йирик ва муҳим тадқиқоти нашр этилди. Араб олими ўз тадқиқотида юқорида зикр қилинган Маккадаги Умм ал-Қура университети кутубхонасида сақланадиган асарнинг микрофильм нусхасидан фойдаланган. Асар таркибий жиҳатдан йирик 43 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм «китоб» деб номланган ва ўз навбатида, ҳар бир китоб мазмуний аҳамиятидан келиб чиқиб, кўпдан-кўп бобларга ҳам тақсимланган. Муаллиф асарда ҳаммаси бўлиб ҳанафий ва шофеъий мазҳаблари ўртасидаги 406 фиқҳий масаладаги ихтилофий тафовутларни кўрсатиб берган. У ўз мухолифлари билан ғоятда инсоф ва адолат, фақат асосли илмий далилларга таянган ҳолда баҳс ва мунозарага киришган. Мухолифлари ҳақ бўлса, уларни муносиб баҳолаб, тан олган, ҳурматини жойига қўйган.

Буюк ватандошимиз Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган бу фиқҳий асарини унинг бошқа соҳалардаги асарлари билан биргаликда илмий асосда чуқур ўрганиш биз авлодларнинг унутилмас вазифамиздир.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Қашқадарё вилояти Косон туманининг энг чекка — Гувалак қишлоғида фаолият кўрсатаётган бадиий гимнастика тўгарагининг аъзолари сони 124 нафарга етди.

Германияда бир ҳафта

Ҳозирга келиб юртимиз умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланувчилар сони қарийб қирқ фоизни ташкил этаётир. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш фоизга ошганини билдиради. Эътиборга молик томони, 2004 йилда қизлар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар сони 14,6 фоизни ташкил этган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 23,1 фоизга етди. Бу борада хусусан, спортнинг нафис тури — бадиий гимнастикага қизларни жалб қилишда ижобий ўзгаришларга эришилди. Яъни, 2003 йилда бадиий гимнастика билан шуғулланувчилар сони 1,5 минг нафарни ташкил этарди. Ҳозирга келиб 3,5 минг нафардан кўпроқ қизларимиз ушбу спорт тури билан ошно тутинишган.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқларда бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар ўртасида мусобақа уюштириб, ғолибларни Германия йўлланмаси билан тақдирлади. Февраль ойида ўтказилган мусобақаларда зафар қучган 11 нафар қизлар бир ҳафта давомида Германиянинг Кёльн шаҳрида ўзаро тажриба алмашиб қайтдилар.

Қўшқўпирлик Севинчой Сатторова сафар таассуротлари билан ўртоқлашар экан, уларга бундай имкониятлар яратиб бераётган ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирди. Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида яшовчи Нилуфар Рўзматова "Германияда бизни опамиз Оксана Чусовитина яхши кутиб олди", деди. Лекин ҳар қадамимизда оиламизни, юртимизни соғиндик. Бундай эътиборга ўзимизнинг спортдаги ютуқларимиз билан жавоб қайтарамиз" деб алоҳида таъкидлади.

Жамғарма томонидан бошқа спорт турлари бўйича ҳам қишлоқ ёшларини ривожланган хорижий мамлакатларга тажриба алмашишга юбориш кўзда тутилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мамлакатимизда азиз-авлиёларга тегишли қадамжолар кўп. Уларни эндиликда бутун дунё билмоқда. Зеро, улуғ неъмат — истиқлолдан кейин Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан деярли харобага айланиб улгурган валийларнинг сўнгги манзиллари ободонлаштирилди.

ЛАНГАР МАНЗАРАЛАРИ

Қашқадарё воҳасининг сўлим гўшаларидан бири — Лангар ота қишлоғи ҳам ана шундай эътиборга молик манзилдир. Ушбу маскан номини эшитган, эшитса-да, эътибор бермаганлардан бири эканман... Тилимизда "Маълуму машҳур" деган ибора бор. Бу ҳам маълум, ҳам машҳурликка эришган одам, юртга нисбат бериладиган сифат. Гап шундаки, Лангар ота қишлоғи маълум бўлиб машҳур бўлмаган ёхуд машҳур бўлиб маълум бўлмаган бир қишлоқ экан.

"Лангар ота қишлоғини бир бора кўрган киши, бу қутлуғ жойга қайта-қайта келгиси, эски, пастқам уйларни, хароб, аммо, тарихдан сўйлагувчи деворларни кўргиси келаверади!" Қишлоққа берилган бу таъриф Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали Қўзиевга тегишли. Ўз юртидан фахрланиш ҳисси яққол балқиб турган бу сўзлар соҳиби яқинда савобли ишга қўл урди. Т. Қўзиев ғояси билан суратқашлар: Виктор Ан, Шаҳноза Усмон, Турсун Али, Виктор Вяткин ҳамкорлигида "Лангар: қадамжо ва одамлар" деб номланган суратлар тўплами нашрдан чиқарилди. Мазкур альбом нафақат қалин муқоваси-ю, рангли безаклари, шунингдек суратларнинг ўзига хослиги билан ҳам ҳар қандай кишининг диққат-эътиборини жалб этади. Унда акс этган суратларга боқиб тарихимизнинг минг-минг йилларга бориб тақалишини ҳис қиласиз. Қалби соф, нияти пок инсонлар кўзига боқиб, уларнинг орзу-умидлари, ният-истакларини эшитгандек бўласиз. Ажабо, сурат маҳорат ила тасвирга олинса, ҳатто жонсиз лавҳалар-да сўзлаётгандек, сиз билан сирлашаётгандек туюларкан, гўё.

Масалан, альбомдан жой олган Лангар ота масжидини олайлик. Масжид шунчаки тасвирга туширилмаган. Унинг ён-атрофида намоён бўлган ажиб бир манзарани кўрасиз: шом қоронғуси тушиб келаяпти-ю, қалбингиз қоронғуликка қаршидек. Дил муаззам бир нурдан, шафақдан ором олаётгандек. Ушбу суратда, бизнингча, яна бир фалсафа илгари сурилган: масжид тепада — одамлар намоз ўқиш учун тепаликка

Таассурот

тўпланадилар. Демак, аждодларимизнинг, етукларимизнинг зукколикларига яна бир карра иймон келтирмай иложимиз йўқ: одамзот мудом юксакликка интилса зотину ботиндаги пастликлардан фориғ бўлгай!..

— Қишлоқ аҳлининг суҳбатидан тўймайсиз, — дейди Турсунали Қўзиев. — Қизиғи шундаки, бу қадимий заминга янгича назар ташлаш франциялик меҳмонлар даъвати билан амалга оширилди. Ҳайрон бўлманг. "Қадрдон қарияларимиз" 1-Халқаро бадиий фото танловининг ғолиби Северин Васселин хонимнинг Лангарга боришни ўтиниб сўраганлиги ёнгинамизда турган маънавий бойлигимизга янада эътибор қилиш йўлида ўзига хос сабоқ бўлди...

Хорижий сайёҳлар йўл кўрсаткичларида алоҳида белгиланган Лангар ота олимлар, тарихчилар, маданиятшунос, эшшунос, диншуносларнинг чуқур ўрганишлари учун аҳамиятга молик маскан бўлиб, айнан шу жойда кўп асрлар мобайнида ислом маданиятининг ноёб, муқаддас осори-атиқалари сақланиб



ҳамюртларимиз — лангарликларга боқамиз. Ёзда чанг-тўзон, қишда эса лойбалчиққа айланса керак бу кўчалар, дея хаёлдан ўтказамиз, беихтиёр, тор, бесўнақай йўлларга термулиб. Ҳойнаҳой, қишлоқ аҳли электр энергиясисиз ҳам қийналса керак...

Ҳамсуҳбатимиз суратлардан завқ олиш ўрнига кўнглимиздан кечган фикрларни уққандай дейдики, Лангарнинг мўъжизасини кўрингки, гарчанд йўллар чангу лой бўлса-да, бу ерда истиқомат қиладиган одамлар қалби қишлоқ ҳавоси янглиғ беғубор. Улар электр энергиясида узилиш бўлса, қоронғуликдан эмас, ёруғликда ҳам дилини сиёҳ босишларидан чўчийдилар. Бундай комилликка интилувчанликлари туфайли ҳам қишлоқ файз-баракотли, одамлар оқибатли-меҳрли...

Суратларга тикилиб, биз, шундай самимийликни ҳис қилгандай бўлдик.

Суратларга термулиб, бизнинг Лангар қишлоғини кўргимиз, зиёрат этгимиз келди.

Сизнинг-чи?

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Суратлар "Лангар" фото альбомидан олинди.

Шаҳрихондаги тақдимот

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон санъат арбоби, профессор, таниқли шоир Олимжон Холдорнинг «Шаҳрихонликлар» деб номланган янги китобини ўқувчиларга тақдим этди. Ҳужжатли қисса жанрида ёзилган ушбу асар шаҳрихонлик машҳур пахтакор Ўрмонжон Бозорбоевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилса-да, лекин унда бош қаҳрамон тимсолида бутун шаҳрихонликлар, бу гўшанинг узоқ-яқин ўтмиши, мустақиллик давридаги янги ҳаёти ва истиқболи тўғрисида сўз юритилади. Юртбошимизнинг: «Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда», деган эътирофи ушбу китобнинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Китобга муаллифнинг «Севги афсонаси» шеърий драмаси ва истиқлол руҳи билан суғорилган «Тунги чизгилар» туркум шеърларининг киритилганлиги унинг бадиий савиясини, тарбиявий аҳамиятини янада оширган.

Яқинда Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳар ҳокимлигида шу китобнинг тақдимоти ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, таниқли адабиётшунос А. Нурмонов китобнинг бадиий савияси, муаллифнинг изланишлари ҳақида фикр-ўйларини изҳор этишиб, ўзбек деҳқонининг меҳнатини мадҳ этувчи ушбу қисса бугунги ёшларни ватанпарварлик, деҳқон меҳнатига, бунёдкорликка эҳтиром руҳида тарбиялашини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ушбу тақдимотда иштирок этган Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Назира Жўраева мустақиллик йилларида нашриётда чоп этилган бадиий, тарихий адабиётлар, дарсликлар тўпламини, «Қомус» илмий нашриёти бош директори ўринбосари А. Ниёзов «Ўзбекистон энциклопедияси» китоблар тўпламини шаҳрихонликларга совға сифатида шаҳар марказий кутубхонасига топширдилар.

М. САФАРОВ.

(Газетанинг навбатдаги сони 23 март, пайшанба куни чиқади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Одилжон Тоштемирович Ирматовга онаси **Дониҳон ИРМАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси бўлим бошлиғи М. Тураповга опаси **САЛИМАХОН аянинг** вафоти муносабати билан самимий таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Факультетлараро хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси Ханифахон Юсувалиевага онаси, шу институтнинг Чет тиллар кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган **Раъно ЮСУВАЛИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповa.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.30 23456